

Куч — адолатда

Аدل ила олам юзин обод қил!

2023 йил
3 март,
жума
№ 9 (939)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

• <http://www.kuch-adolatda.sud.uz>

• 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ҚЎШИЛМАСЛИК ҲАРАКАТИ МУЛОҚОТ ГУРУҲИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Хурматли Илҳом Ҳайдарович!
Хурматли делегациялар раҳбарлари!
Хонимлар ва жаноблар!
Бугунги Мулоқот гуруҳи саммитининг барча иштирокчиларини чин қалбимдан қутлайман.

Гўзал ва бетакор Боку шаҳрида анжуман қатнашчиларига кўрсатилаётган самимий меҳмондўстлик ва учрашувимизни юксак даражада ташкил этгани кескин ошди. Ушбу муҳим платформани Озарбайжон Президенти хурматли Илҳом Ҳайдарович Алиевга чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Озарбайжон етакчиси раслиги даврида Қўшилмаслик ҳаракатининг халқаро майдондаги ўрни ва нуфузи кескин ошди. Ушбу муҳим платформа доирасида мамлакатларимизнинг кўп томонлама ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди.

Пандемия давридаги қийинчиликларга қарамасдан, ўзаро бирдамлик ва ҳамжихатлигимиз янада кучайди. Ташкилот тарихида биринчи бор парламентлар ва ёшлар қанотлари ташкил этилди.

Бу ютуқларнинг барчаси кадрли ҳамкасбим Илҳом Ҳайдаровичнинг улкан саъй-ҳаракатлари ва фаол ташаббускорлиги, аъзо давлатлар манфаатларини кўзлаб олиб борган амалий ишларининг яққол ифодасидир. Шу ўринда Озарбайжон Президенти бугунги мураккаб вазиятга қарамасдан, мамлакат иқтисодий ва ҳар томонлама ривожлантириш, халқнинг турмуш даражасини ошириш, мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўси ва нуфузини мустаҳкамлаш борасида салмоқли натижаларга эришаётганини катта мамнуният билан таъкидламоқчиман.

Шу билан бирга, хурматли қардошимнинг тарихий адолат тикланган ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий инфратузилма ва янги-янги иншоотларни барпо этиш, аҳолига қулай шароитлар яратиб беришга қаратилган бунёдкорлик ишларини алоҳида қайд этишни истар эдим.

Хурматли саммит иштирокчилари! Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, сўнги йилларда инсоният пандемия-

га қарши курашиш билан бир қаторда, иқлим ўзгариши, табиий офатлар ва техноген фожиаларнинг аянчи оқибатларини ҳам ўз бошидан ўтказмоқда.

Бу муаммоларнинг кўлами тобора кенгайиб, улар нафақат айрим давлатлар, балки бутун бир минтақаларнинг хавфсизлиги ва барқарор тараққиёти учун жиддий хавф солмоқда. Албатта, бундай қийин ва мураккаб синовларни фақатгина биргаликда, бир-биримизни яқиндан қўллаб-қувватлаган ҳолда енга оламиз.

Шу маънода, Ўзбекистон 2030 йилга қадар мўлжалланган Сендай ҳақли дастурининг асосий мақсадларига эришиш бўйича Глобал платформа доирасидаги фаолиятимизни янада кучайтириш тарафдори эканини таъкидламоқчиман.

Фавқуллода ҳолатлар сабабларини чуқур ўрганиш ҳамда уларнинг оқибатларини самарали бартараф этиш мақсадида Қўшилмаслик ҳаракатининг махсус мониторинг ва илмий-тадқиқот тармоғини ташкил қилишни таклиф этамиз. Биз бу институтни Ўзбекистонда жойлаштиришга тайёрмиз.

Хурматли анжуман қатнашчилари! Пандемиядан кейинги даврда геосиёсий ва мафкуравий зиддиятлар кучайиб, уларнинг таъсирида жаҳоннинг турли нуқталарида янги нотинчлик ўчоқлари пайдо бўлаётгани барчамизни жиддий ташвишга солмоқда.

Бундан ташқари, Яқин Шарқ минтақаси ва Афғонистонда ўзоқ вақтдан буён сақланиб қолаётган низоларнинг глобал ечими ҳанузгача топилгани йўқ. Айниқса, сўнги пайтларда барча давлатларда ўсиб бораётган терроризм ва экстремизмнинг хавф-хатарига қарши Ташкилот доирасида амалий алоқаларни кучайтириш тобора долзарб бўлиб бораётганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Шу муносабат билан, биз Қўшилмаслик ҳаракатини терроризмнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашининг халқаро-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш бўйича умумий саъй-ҳаракатларимизга етакчилик қилишга чақирамиз.

Бу эса Ҳаракатга аъзо барча давлатларнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасидаги кўп томонлама ҳамкорлигини янада фаоллаштиришга хизмат қилишига қатъий ишонамиз.

Ушбу муаммоларни халқаро миқёсда тизимли мувофиқлаштириш ва самарали ҳал этишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослашган тузилмалари албатта асосий ролни бажариши лозим. Бирлашган Миллатлар Ташкилотини ислоҳ қилиш жараёнида Қўшилмаслик ҳаракати аъзолари Хавфсизлик кенгаши таркибидан доимий ўрин олиши керак.

Шу ўринда Афғонистон масаласини ҳал қилиш бўйича алгоритмларни мувофиқлаштириш учун БМТ ҳузурида Халқаро муокара гуруҳини тузишга доир Ўзбекистон таклифини ҳам қўллаб-қувватлайсизлар, деб ишонаман.

Глобал миқёсда кун тартибда турган яна бир муҳим масала — бу ҳамон давом этаётган ва охири кўринмаётган иқтисодий инқироз оқибатларини юмшатишдир.

Барчамиз жаҳон савдо алоқалари заифлашаётгани, саноат ва логистика занжирлари узилишининг салбий таъсири бевосита ҳис қиляпмиз. Бундан ташқари, озиқ-овқат маҳсулотлари, сув ва энергетика ресурсларининг тақчиллиги тобора чуқурлашиб бораётгани мамлакатларимиз ижтимоий-иқтисодий тизимлари учун жиддий синов бўлмоқда.

Минг афсуски, бундай қийин вазиятда энг катта оғирлик ва салбий таъсир, аввало, айнан ривожланаётган давлатлар зиммасига тушмоқда.

Шуни таъкидламоқчиманки, бугунги саммит каби нуфузли анжуманлар биринчи навбатда ўзаро амалий ҳамкорликни ривожлантириш, минтақавий қўшма дастурлар ва йирик лойиҳаларни илгари суриш учун кенг иқтисодий имкониятлар эшигини очиб бериши лозим.

Бу хайрли режани амалга ошириш мақсадида Ташкилотимиз саммитлари арафасида Қўшилмаслик ҳаракати

иқтисодий форумини мунтазам ўтказиб боришни таклиф этаман.

Ишончим комилки, бундай муҳим тадбирлар инновациялар, замонавий билим ва илғор технологиялар алмашувини жадаллаштиришга, умуман олганда, тўртинчи санаот инқилоби, хусусан, ақлли иқтисодий ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратишга хизмат қилади.

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Пандемиянинг салбий таъсири, биринчи галда, униб-ўсиб келаётган ёшларимиз ҳис қилмоқда, десак, хато бўлмайди.

Уларнинг сифатли таълим ва профессионал билим олиш, тиббий хизматлардан фойдаланиш ва спорт билан шуғулланиш имкониятлари кескин камаймоқда. Энг ёмони, ёш авлоднинг келгусида ҳаётда ўз муносиб ўрнини топишига бўлган ишончи ва қатъияти сусаймоқда. Шунингдек, минглаб ёшларнинг онгу тафаккурига бузғунчи ва радикал ғоялар таъсири ҳам тобора кучаймоқда.

Биз ўтган йили Тошкент шаҳрида бу масалалар ечимига қаратилган, ёшлар таълими ва тарбиясига бағишланган иккинчи глобал конференцияни ўтказдик.

Бу борада сиёсат ва режаларимизни уйғунлаштириш, тўплаган тажрибаларимиз билан ўртоқлашиш мақсадида Ҳаракатимиз Ёшлар тармоғининг “Чексиз имкониятлар саммити”ни келгуси йил жаҳон цивилизацияси марказларидан бири бўлган кўҳна Самарқандда ташкил этиш ниятидамыз.

Хурматли дўстлар! Биз озарбайжонлик қардошларимизни Ташкилотимизга самарали раслиги ва саммитнинг муваффақиятли ўтаётгани билан яна бир бор самимий табриқлаймиз.

Ҳеч шубҳасиз, бугун билдирилган барча фикр ва мулоҳазалар, таклиф ва ташаббуслар халқларимизнинг умумий равнақи ва фаровонлигига хизмат қилади.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Юртимизга янгилашни, ўзгариш фасли бўлмиш баҳор кириб келди. Она табиат, бутун борлиқ уйғониш ва яшариш тараддудиди. Бу, ўз навбатида, инсон руҳиятига ҳам катта таъсир кўрсатади. Ҳорғинлик, соғинч ўрнини ши-жоат ва орзулар эгаллайди. Эндигина илдиз отиб, ниш ураётган ниҳоллар сингари кўнгилда олам-олам умидлар бўй кўрсатади. Янги-янги ниятлар тугилади. Бутун дунё тозарши ва покланишга интилаётгандек туюлади гўё... Бу туйғулар инсон қалбига бир-бирдан гўзал кечин-таларни меҳмон қилади, ҳамрозу ҳаммаслакка айлан-тиради. Хуш келинг, ўлкамизга фасллар келинчаги!

● **Мунаввар лаҳзалар**

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Ўзбекистон халқ шоири

СЕН БАҲОРНИ СОҒИНМАДИНГМИ?

*Уйғонувчи боғларни кездим,
Топаи дедим қирдан изингни.
Ёноғиндан ранг олган дедим —
Лолазорга бурдим юзимни,
Учратмадим аммо ўзингни,
— Сен баҳорни соғинмадингни?*

*Узоқларда залворли тоғлар
Хаёлимни келдилар босиб.
Кечди қанча интизор чоғлар,
Васлинг менга бўлмади насиб,
Сенсиз мен ҳам, баҳор ҳам ғариб,
— Сен баҳорни соғинмадингни?*

*Ўнгуларда сакрайди оху,
Наъматакда саъва миттижон.
Қорлиқлардан сипқарилган сув,
Дараларда уради жавлон.
Нигоҳимдан фақат сен пинҳон,
— Сен баҳорни соғинмадингни?*

*Мана, бугун Наврўзи олам,
Дўстларимга гуллар тутарман.
Қайлардасан, суюкли эркам...
Қўлимда гул, сени кутарман,
Умрим бўйи чорлаб ўтарман,
— Сен баҳорни соғинмадингни?*

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХАЛҚАРО АҲАМИЯТГА МОЛИК МУҲИМ ТАШАББУСЛАРНИ ИЛГАРИ СУРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 1-2 март кунлари амалий таширф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2 март куни Боку шаҳрида Қўшилмаслик ҳаракати Мулоқот гуруҳининг саммитида нутқ сўзлади.

Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев раслигида ўтган тадбирда Туркманистон Президенти Сердар Бердимухамедов, Ироқ Президенти Абдуллатиф Жамол Рашид, Ливия Давлати Президент кенгаши Раиси Муҳаммад Юнус Ал-Манфи, Босния ва Герцеговина Президиуми Раиси Желька Цвијанович, шунингдек, Куба вице-президенти Сальвадор Меса, Гапон вице-президенти Роз Рапонда, Танзания вице-президенти Филип Мпанго ҳамда Жазоир Бош вазири Айман бин Абдурахмон иштирок этди.

Халқаро ташкилотлар томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 77-сессияси раиси Чабба Кёреши, БМТ бош котибининг ўринбосари Татьяна Валова,

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош котиби Хусрав Нозирӣ, Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби Кубаничбек Омуралиев, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш бош котиби Қайрат Сарибай, БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси ижрочи котиби Ольга Алгаерова, Халқаро миграция ташкилоти бош директори Антонио Виторини, Атом энергияси бўйича халқаро агентлиги бош директори Рафаэль Гросси ва Жаҳон туризм ташкилоти бош котиби Зураб Пололикашвили қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, COVID-19 коронавирус пандемияси оқибатларини енгиб ўтиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, атраф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари ҳамда пандемиядан кейинги глобал тикланиш даврида барқарор ривожланишининг бошқа долзарб муаммолари муҳокама қилинди.

(Давоми 3-бетда) ►

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз еттинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз еттинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламент аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг YouTube тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёриб берилди.

Дастлаб сенаторлар Сенатнинг 2022 йилдаги фаолияти ва 2023 йилга мўлжалланган

(Давоми 2-бетда) ►

● Таҳлил ва таклиф

Медиация институти ортиқча харажат ва оворагарчиликларнинг олдини олади

Тараққиёт ўзининг энг юқори чўққисига интилагани сари ҳуқуқ ҳам замонга ҳамнафас равишда мукамалликка эришиб бормоқда. Ҳуқуқ ўзининг бу даражадаги мақомига замонлар оша босиб ўтилган оғир синовлар орқали этиб келди.

Бугунги замонавий дунёда ҳуқуқнинг нозик жиҳатларига ҳам эътибор қаратилмоқдаки, бу инсон ҳуқуқларини энг олий кадрлар сифатида баҳолашга, кадрини улуғлашга хизмат қилмоқда.

Сўнги йилларда ҳуқуқни ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг вақт ва маблағини тежаш, турли қоғозбозликларнинг олдини олиш, низоларни тарафларнинг ярашувига асосан тинч йул билан ҳал этишга қаратилган ҳуқуқ институтлари, хусусан, медиация институти ва ҳакамлик судлари томонидан низоларни судгача ҳал қилиш амалиёти кенг қўлланилмоқда.

(Давоми 3-бетда) ►

Тарих тарсимлари ТЕМУРИЙЛАРНИНГ маънавий қудрати ёхуд кутубхонада сақланган ноёб қўлёзмалар



Китоб ва кутубхоналар қадим даврлардан инсоннинг маънавий бойлиги сифатида ақл-заковати ва тафаккури ўсиши, диний ва дунёвий қарашлари чархланиб бориши, табиат ва жамият ҳақидаги тасавурлари кенгайишига хизмат қилиб келган.

Дарҳақиқат, ўз даврининг илми, маърифатли кишилари кутубхона барпо этиб, китоблар билан бойитишга интиланган. Айнан шу туйғайли ҳам асрлар давомида буюк аждод-

ларимиз томонидан яратилган қадимги ноёб қўлёзмалар, но-дир китоблар, тарихий шахс-китоблар билан бойитишга интиланган. Айнан шу туйғайли ҳам асрлар давомида буюк аждод-

(Давоми 4-бетда) ►

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз еттинчи ялпи мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

◄(Бошландиш 1-бетда)

Жумладан, қонунчилик фаолиятини такомиллаштириш, парламент назоратини кучайтириш, халқаро ва парламентлараро муносабатларни кенгайтириш, маҳаллий Кенгашлар фаолиятига кўмаклашиш, халқ билан мулоқот самарадорлигига эришишда парламент таъсирини ошириш бўйича қатор чора-тадбирларни амалга оширди.

Хусусан, қонунчилик йўналишида жами 79 та қонун қўриб чиқилди. Қонунлар ҳудудлар манфаатларидан келиб чиқиб, танқидий-таҳлилий нуқтаи назар билан муҳокама қилинди. 2022 йилда Сенат томонидан 8 та қонун рад этилди.

Қонунларни тизимли таҳлил қилиш ва уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш амалиёти давом эттирилиб, 20 дан ортқ қонун ижроси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилинишини мониторинг қилиш яқунлари бўйича Ҳукумат олдига тегишли вазифалар қўйилди.

Парламент назорати доирасида Сенат ялпи мажлисларида ҳукумат, вазирилик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, ҳокимларнинг ҳисобот ва ахборотлари юзасидан 27 та эшитув ўтказди.

Хар чоракда ҳукуматнинг ҳамда молия вазирининг Давлат дастури ижросининг бориши ва Давлат бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботлари муҳокама этилди.

Сенаторлар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган масалаларни ўрганишга алоҳида эътибор берган ҳолда, ўрганишлар яқунлари бўйича мингга яқин масала ҳал этиш учун ҳукуматга киритилди. Мазкур таклифлар асосида 2023 йилги Давлат бюджет параметрлари ва инвестиция дастурлари доирасида 1,2 триллион сўмдан ортқ маблағ ажратилишига эришилди.

Сенат кўмиталари томонидан назорат-таҳлил фаолияти доирасида ҳудудларда 67 та ўрганиш ўтказилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ҳукумат аъзоларига 5 та парламент сўрови юборилди. Сенаторлар томонидан жойлардаги долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар, аҳолини ташвишга солаётган муаммолар юзасидан мутасадди вазирилик, идора ва ташкилотлар раҳбарлигига 200 дан ортқ сўров юборилди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг 17,1 минг мурожаати қўриб чиқилди. 6,5 мингга яқин мурожаат алоҳида назоратга олиниб, атрофлича ўрганилди.

Жумладан, 5 мингга яқин мурожаат бўйича муаллифларга тушунтириш берилди, 700 дан ортқ ариза ва шикоятлардаги масалалар асосли деб топилди, ижобий ҳал этилди.

Халқаро парламент муносабатлари доирасида хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар, халқаро молия тузилмалари ва бизнес вакиллари билан ўтказилган 170 дан зиёд учрашувларда ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Икки томонлама парламент алоқаларини ва ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида парламентлараро гуруҳларнинг 10 дан ортқ йиғилишлари бўлиб ўтди.

Маҳаллий Кенгашлар фаолиятига услубий-амалий ёрдам қўрсатиш учун Давлат бошқаруви академияси ва бошқа мутасадди идоралар билан биргалликда маҳаллий Кенгашлар депутатлари учун мунтазам равишда ўқув курслари, семинарлар ташкил этилди.

Бундан ташқари, Сенат Раиси бошчилигида коррупция, одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш, хотин-қизлар масалалари, гендер тенгликни таъминлаш, халқаро рейтинглар билан ишлаш каби қатор долзарб йўналишларда миллий (республика) тузилмалар фаолияти изчил давом эттирилди.

Маълумот учун: қайд этилган йўналишларда олиб борилган ишловлар натижасида мамлакатимиз учун устувор этиб белгиланган 16 та нуфузли халқаро рейтингда Ўзбекистоннинг ўрни кўтарилди.

Мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида олиб борилган ишлар натижасида Cotton Campaign халқаро коалицияси томонидан 13 йилдан бери (2009-2022 йиллар) Ўзбекистон пахтасига қўлланган халқаро бойкот бекор қилинди.

Мажлис давомида Сенат фаолияти яқунлари қўриб чиқилган, 2023 йилга мўлжалланган парламент юқори палатасининг устувор вазифалари ҳам белгилаб олинди.

Шундан сўнг, сенаторлар томонидан “Рақобат тўғрисида”ги қонун қўриб чиқилди.

Мазкур қонун мамлакатимиз ҳудудда товарларнинг эркин ҳаракатланишини таъминлаш, рақобат муҳитини ҳимоя қилиш, товар, молия ва рақамли бозорларни самарали фаолият қўрсатишига шароит яратиш мақсадида ишлаб чиқилган. Таъкидлаш жоиз, унда 2012 йил қабул қилинган “Рақобат тўғрисида”ги ҳамда 1999 йил қабул қилинган “Табиий монополиялар тўғрисида”ги қонунлар бирлаштирилиб, табиий монополия ва устун давлага эга субъектларга қўйилмайдиган талабларнинг аксарият қисми бирхиллаштирилган.

Қонунда рақобат соҳасидаги давлат сиёсатининг яъни, рақобатни ҳимоя қилиш, рақобатга қарши ҳаракатларнинг олдини олиш ва тўхтатиш, республика ҳудудида иқтисодий фаолият эркинлиги ва товарларнинг эркин ҳаракатланишини таъминлаш, товар ва молия бозорларининг самарали фаолият қўрсатиши учун шароитлар яратиш каби устувор йўналишлар белгиланган.

Бундан ташқари, қонун билан бир қатор янги, яъни монополияга қарши қўллаш, рақамли платформа каби тушунчалар киритилмоқда.

Қонунда устун давлага белгиланган янги мезонлари киритилаётган бўлиб, унга кўра, табиий монополия субъектлари ҳам устун давлага эга субъектлар қаторига қўшилмоқда.

Шу билан бирга қонунда устун музокара кучи институти киритилиб, ушбу нормага кўра, битим шартлари, товарлар реализация қилинадиган ҳудудни ва нархни белгилашга бир томонлама таъсир қўрсатиш имкониятининг мавжудлиги сабабли бошқа субъектлар билан шартнома тузишда, уларда устун музокара кучи мавжуд деб баҳолашни белгилаш қаторига қўшилмоқда.

Тадбиркорлик субъектлари ўртасида соғлом рақобат муҳитини таъминлаш мақсадида қонунда рақобат муҳитига салбий таъсир қўрсатиши мумкин бўлган давлат томонидан қўрсатилаётган ёрдамни баҳолаш тизими жорий қилинмоқда.

Қонун билан савдоларга доир рақобатни чеклашга қарши талаблар ва ўзаро боғлиқ бўлган иштирокчиларнинг бир вақтда савдо жараёнларида қатнашишига тақиқлар белгиланмоқда.

Шунингдек, рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чоралари кучайтирилмоқда.

Сенаторларнинг фикрига кўра, мазкур қонуннинг қабул қилиниши рақобатга қарши ҳаракатларнинг камайишига, иқтисодий фаолият эркинлиги, товарларнинг эркин ҳаракатланишига, рақобат муҳитини ривожлантиришга ҳамда товар ва рақамли бозорларнинг самарали фаолият қўрсатишига, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришга ҳуқуқий асос яратяди.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунингдек, ялпи мажлисда “Тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўққинлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун ҳам қизгин муҳокама қилинди.

Хусусан, сўнгги вақтларда беморлар ва уларнинг яқин қариндошлари томонидан тиббиёт ходимларига таъвоуз қилиш ҳоллари кўпайиб бораётганлиги, бу жараёнда тиббиёт ходимларини беморларнинг соғлиги ёмонлашишида ёки ўлимида асосиз равишда айбаш, шунингдек, ҳеч бир сабабсиз шифокорларга ва ўрта тиббиёт ходимларига таъвоуз қилиш ҳоллари юз бераётганлиги қайд этилди.

Қонун билан юқорида қайд этилган муаммоларга ечим топиш мақсад қилинган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўққинлик қилганлик ёки шу мақсадда тиббиёт ходимига қонунга хилоф равишда ҳар қандай шаклда таъсир ўтказганлик учун алоҳида жавобгарлик белгиланмоқда.

Бунда ушбу қонуний фаолиятни амалга оширган фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солиш ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олиш жазоси киритилмоқда.

Шунингдек, Маъмурий жавоб-

гарлик тўғрисидаги кодекснинг 1977-моддасида тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўққинлик қилганлик ёки шу мақсадда тиббиёт ходимига қонунга хилоф равишда ҳар қандай шаклда таъсир ўтказганлик ҳақидаги ишларни қўриб чиқиш белгиланмоқда.

Бундан ташқари, ушбу Кодекснинг 305-моддасига мувофиқ мазкур тоифадаги ишларни қўриб чиқиш муддати уч суткани ташкил этиши қайд этилмоқда.

Сенаторларнинг таъкидлашчи, ушбу қонуннинг қабул қилиниши тиббиёт ходимлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, уларнинг касбий фаолиятига турлича аралашувларнинг олдини олади. Шифокорлик касбининг мақоми ҳамда нуфузини оширишга, фуқароларга ўз вақтида ва сифатли тиббий ёрдам қўрсатилишига хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ялпи мажлис давомида “Педагог ходимларнинг хизмат вазифаларини бажаришига тўққинлик қилганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги қонун қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, педагоглари касбий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган тадбирларга ноқонуний жалб этиш ҳолатлари давом этаётганлиги, педагог ходимлар ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва масалаларни ҳал этиш учун тузилган кўплаб ишчи гуруҳлар таркибига асосиз киритилаётганлиги, улардан турли ҳисобот ва маълумотлар талаб этилаётгани қайд этилди.

Муҳокама қилинган қонун билан юқорида қайд этилган муаммоларга ечим топиш мақсад қилинган.

Мазкур қонунга мувофиқ Жиноят кодексига педагог ходимларни меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш қонун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин худди шундай қилмишни такоран содир этганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи норма киритилмоқда.

Унга кўра, таълим ташкилотининг педагог ходимини меҳнатга маъмурий тарзда қайта мажбурлаганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши белгиланмоқда.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда педагог ходимларни меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаганлик, шу билан бирга, уларнинг касбий фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, таълим ташкилотига педагог ходимининг касбий фаолиятига таълим олувчиларнинг билимини тўғри ва хolis баҳолашига таъсир қўрсатиш ёки қонунга хилоф равишда аралашши, таълим ташкилоти педагог ходимининг хизмат вазифаларини бажаришига тўққинлик қилиш учун ҳам жавобгарлик кучайтирилмоқда.

Бунда Кодексдаги санкциялар фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солиш ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлиши белгиланмоқда.

Сенаторларнинг таъкидлашчи, ушбу қонун таълим ташкилотининг педагог ходимларини мажбурий меҳнатга жалб қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ҳамда педагог ходимларнинг касбий фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарликни кучайтиришга, шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Бундан ташқари, Сенат аъзолари “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасини қонунга қўшимча киритиш ҳақида”ги қонунни қизгин муҳокама қилдилар.

Таъкидланганидек, давлат хизматларини қўрсатишда жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд тартибиде ҳимоя қилинишини таъминлаш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш зарурати юзага келаётганлиги қайд этилди.

Шу мақсадда ишлаб чиқилган қонун аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари мурожаатларини тез фурсатларда қўриб чиқишини таъминлаши сенаторлар томонидан алоҳида таъкидланди.

Қонун билан давлат божи ставкаларининг миқдорларига қўшимча киритилмоқда. Жумладан, фуқаролар давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан давлат хизматларини қўрсатиш билан боғлиқ қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан маъмурий судларга мурожаат қилганда белгиланган давлат божи ставканинг 50 фоизи миқориде тўлаши белгиланмоқда. Бунда қолган қисми белгиланган тартибда ишни қўриш натижаси билан ундирилади.

Сенаторларнинг таъкидлашчи, мазкур қонунда таклиф этилаётган норма фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари суд тартибиде ҳимоя қилиниши ҳамда уларнинг одил судловдан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-ижроия кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун қўриб чиқилди.

Муҳокамалар жараёнида бугунги кунда манзил-колониясида жазо муддатини ўтаётган маҳкумларнинг жазони ўташ жойларини ўзбошимчилик билан тарқ этиш ҳолатлари содир этилаётганлиги, бироқ бундай маҳкумларга нисбатан қатъий жазо чоралари белгиланмаганлиги, манзил-колониясига ўтказилган оғир ва ўта оғир жиноят содир этган маҳкумлар томонидан жазони ўташ даврида бир қатор оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларни қайта содир этиш ҳолатлари кузатилаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Биргина 2021 йилда манзил-колониясида жазо муддатини ўтаётган 15 нафар маҳкум томонидан оғир ва ўта оғир турдаги жиноятлар содир этилган бўлса, 2022 йилда 77 нафар маҳкум томонидан шундай турдаги жиноятлар содир этилган.

Шунингдек, қонунчиликда сақлаш режимини ашаддий бузишнинг оқибатлари ҳамда меҳнатдан бўйин товлаган деб топишнинг аниқ мезонлари белгиланмаганлиги маҳкумлар билан олиб борилаётган тарбиявий ишлар самарадорлигига таъсир қилаётганлиги айтиб ўтилди.

Муҳокама қилинган қонун нафақат юқоридеги муаммоларни бартараф этиш мақсадида ишлаб чиқилган, балки жазони ижро этиш муассасаларида ўрнатилган тартиб-қоидаларга тўлиқ риоя этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Хусусан, қонун билан киритилаётган ўзгартиришларга асосан жазони ижро этиш муассасаси ҳудудини ўзбошимчилик билан ташлаб кетган маҳкумларни сақлаш режимини ашаддий бузувчи деб топиш учун асос бўладиган 24 соатлик муддат 12 соатгача қисқартирилиб, жазони ўташ тартибини бузганлик учун навбатдаги учрашувдан маҳрум этиш тартибидеги жазо чораси белгиланмоқда.

Шунингдек, Жиноят-ижроия кодекс янги 1121-модда билан тўлдирилиб, унга кўра, сақлаш режимини ашаддий бузувчи маҳкумларга нисбатан манзил-колониядан умумий тартибли колонияга, умумий, қаттиқ ёки махсус тартибли колониялардан турмага ўтказиш тўғрисида, шунингдек, манзил-колониядан умумий ёки қаттиқ тартибли колонияга, қаттиқ тартибли колониядан махсус тартибли колонияга, колониялардан турмага қайтарилган маҳкумлар тақдимнома киритилиши белгиланмоқда.

Бундан ташқари, манзил-колонияда жазони ўташ даврида сақлаш режимини ашаддий бузганлик учун умумий тартибли колонияга ўтказилган ҳамда умумий ёки қаттиқ тартибли колонияга қайтарилган маҳкумлар, бу ҳақда суд ажрим қилган кундан бошлаб камида икки йил мобайнида, шунингдек, манзил-колонияда жазони ўташ даврида жиноят содир этиб, суд томонидан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган маҳкумлар манзил-колонияга ўтказилмаганлиги белгиланмоқда.

Эндиликда маҳкумларни манзил-колонияга ўтказиш муддатлари узайтирилади, яъни оғир жиноятлар учун – жазонинг камида учдан бир қисмини, ўта оғир жиноят учун камида ярмини ўтаганидан сўнг маҳкумлар манзил-колонияга ўтказилиши

мумкинлиги ҳамда шу муносабат билан маҳкумларни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш – оғир жиноятлар учун жазонинг камида учдан икки қисмини ўтаганидан сўнг, ўта оғир жиноятлар учун эса камида тўртдан уч қисмини ўтаганидан сўнг қўлланилиши белгиланмоқда.

Сенаторларнинг таъкидлашчи, қонуннинг амалиётга таътиқ этилиши маҳкумларнинг жазони ижро этиш муассасаларида ўрнатилган тартиб-қоидаларга тўлиқ риоя этишларига, тарбиявий тадбирлар самарадорлиги ошиши ҳамда қайта жиноят содир этилиши ҳолатларининг олди олинишига, меҳнат қилишга бўлган муносабатни ижобий томонга ўзгартиришга, жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб-интизомини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Муҳокамалардан сўнг қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгги йилларда фуқароларнинг истеъмол кредитларига бўлган талаби ортиб бориши, шунингдек, маҳсулот етказиб бериш ва хизматлар қўрсатиш қўламининг кенгайиб бораётгани молиявий истеъмол кредит ажратилиш юзасидан амалдаги қонунга ўзгартириш киритишни тақозо этмоқда.

Шу каби омиллар инobatга олинган ҳолда Сенатнинг ўттиз еттинчи ялпи мажлисида “Молиявий истеъмол кредити бериш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан “Истеъмол кредити тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасини қонунининг 15-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида”ги қонун қўриб чиқилди.

Унга кўра, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмаган товарлар (хизматлар) учун ҳам истеъмол кредити ажратишга рұхсат бериш кўзда тутилган.

Хусусан, жисмоний ва юридик шахслар томонидан сотиладиган товарлар (хизматлар), шунингдек, Ўзбекистон Республикасига ташқаридан келтирилган товарлар (хизматлар) учун молиявий истеъмол кредитлари бериш имкониятини назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда.

Шунингдек, қонун билан истеъмолчи молиявий истеъмол кредити олиш тўғрисида истеъмол товарларни (хизматларини) ишлаб чиқарувчи корхонани ёки реализация қилувчи ташкилотни олдиндан ёзма шаклда хабардор қилиш тартиби бекор қилинмоқда.

Қонуннинг қабул қилиниши аҳоли истеъмол кредитларини расмийлаштиришда енгилликлар яратилишига, мамлакатда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар қўрсатиш қўламининг кенгайишига хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунингдек, Сенатнинг ўттиз еттинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар қўрилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мамлакат тарқақийетини ҳозирги босқичда кенг қўламли ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ҳамда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини оширишни талаб қилади.

Ушбу қонун айнан давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш ҳамда маъмурий суд ишларини юритишни халқаро стандартларга мос ҳолда такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Хусусан, қонунда маъмурий суд ишларини юритишни “суднинг фаол иштироки” тамойили асосида амалга ошириш, бунда маъмурий судларга ўз ташаббуси билан далилларни йиғиш мажбуриятини юклаш белгиланмоқда. Ҳуқуқи бузилган фуқаро ёки тадбиркорлик субъектига оммавий-ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқадиган низо билан бирга зарарни ундириш талаби бўйича ҳам маъмурий судга киритиш ҳуқуқи тақдим этилмоқда. Маъмурий судларнинг ҳал қилув қарорлари давлат органлари ёки ташкилотлари томонидан

ижро қилинмаган тақдирда, уларга нисбатан суд жарималарини қўллаш, такоран ижро қилинмаганлиги учун суд жаримасини оширилган миқдорда қўллаш белгиланмоқда. Оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича тарғалар ўртасида ярашувга эришиш механизмлари жорий қилинмоқда.

Шунингдек, судлар тизимида “ягона дарча” тамойилини кенг жорий этиш, бунда судлар томонидан даъво аризаси, ариза ҳамда шикоятни судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли қабул қилишни рад этиш ёки иш юритишни тугатишни тақиқлаш ҳамда даъво аризаси, ариза, шикоятларни қўриб чиқишга ваколатли судга ўтказиш кўзда тутилмоқда. Иқтисодий суд томонидан берилган ижро ҳужжати бўйича давлат ижросисининг чиқарган қарори устидан иқтисодий судга эмас, балки маъмурий судга шикоят қилиш белгиланмоқда.

Қонуннинг қабул қилиниши давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлашга, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатишга, фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини юксалтиришга ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада оширишга хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ялпи мажлис биринчи иш куниде “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун ҳам қизгин муҳокама қилинди.

Қонунга кўра, болани чет давлат ҳудудида назоратсиз қолдирганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасига фуқаролигига эга бўлган болани отаси, онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахс ёхуд ҳамроҳлик қилувчи шахс чет давлат ҳудудида болани назоратсиз қолдирганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан эллик бараваригача бўлган миқдорда жаримага тортилиши кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, ушбу маъмурий жазо қўлланилганидан кейин, яна худди шундай ҳатти-ҳаракат содир этганлик ёхуд чет давлат ҳудудида турган боланинг суд томонидан белгиланган муддатда Ўзбекистонга қайтарилишини таъминламаганлик учун жиноий жавобгарлик киритилмоқда. Жумладан, шундай қонун бузилишлари учун уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХАЛҚАРО АҲАМИЯТГА МОЛИК МУҲИМ ТАШАББУСЛАРНИ ИЛГАРИ СУРДИ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида сўнги йилларда инсоният пандемияга қарши курашиш, иқлим ўзгариши, табиий офатлар ва техноген фожияларнинг оқибатларини ҳам ўз бошидан ўтказаётгани билан боғлиқ таҳдид ва хатарларни қайд этди.

— Бу муаммоларнинг кўлами тобора кенгайиб, улар нафақат айрим давлатлар, балки бутун бир минтақаларнинг хавфсизлиги ва барқарор тараққиёти учун жиддий хавф солмоқда, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу муносабат билан Ўзбекистон 2030 йилга қадар мўлжалланган Сендай ҳақди дастурининг асосий мақсадларига эришиш бўйича Глобал платформа фаолиятини янада кучайтириш тарафдори экани таъкидланди.

Бу каби фавқуллода ҳолатлар сабабларини чуқур ўрганиш ҳамда офат оқибатларини самарали бартараф этиш мақсадида Президентимиз Қўшilmаслик ҳаракатининг махсус мониторинг ва илмий-тадқиқот тармоғини ташкил қилишни таклиф этди.

Давлатимиз раҳбари пандемиядан кейинги даврда геосиёсий ва мафкуравий зиддиятлар кучайиб, уларнинг таъсирида жаҳоннинг турли нуқталарида янги нотинчлик ўчоқлари пайдо бўлаётганини қайд этди.

— Яқин Шарқ минтақаси ва Афғонистонда узоқ вақтдан бўён сақланиб қолаётган низоларнинг глобал ечими ҳанузгача топилгани йўқ, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Кейинги пайтларда барча давлатларда ўсиб бораётган терроризм ва экстремизмнинг хавф-хатарига қарши Қўшilmаслик ҳаракати доирасида амалий алоқаларни кучайтириш тобора долзарб тус олаётгани алоҳида таъкидланди.

Шуни ҳисобга олиб, Қўшilmаслик ҳаракати терроризмнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашнинг халқаро-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш бўйича саъй-ҳаракатларга етакчилик

қилиши лозимлиги қайд этилди. Бу Ҳаракатга аъзо барча давлатларнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида кўп томонлама ҳамкорлигини янада фаоллаштиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон етакчиси бу муаммоларни халқаро миқёсда самарали ҳал этиш ва тизимли мувофиқлаштиришда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослашган тузилмалари албатта асосий ролни бажариши лозимлигини кўрсатиб ўтди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотини ислоҳ қилиш жараёнида Хавфсизлик кенгаши таркибида Қўшilmаслик ҳаракати аъзоларининг доимий ўрни бўлиши кераклиги таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев глобал кун тартибидаги яна бир муҳим мавзу — давом этаётган иқтисодий инқироз асоратларини юмшатиш масаласига эътибор қаратди.

— Озиқ-овқат маҳсулотлари, сув ва энергетика ресурсларининг тобора тақчил бўлиб бораётгани мамлакатларимиз ижтимоий-иқтисодий тизимлари учун жиддий синов бўлмоқда, — деди давлатимиз раҳбари. — Минг афсуски, бундай қийин вазиятда энг катта оғирлик ва салбий таъсир, аввало, айнан ривожланаётган давлатлар зиммасига тушмоқда.

Ўзаро амалий ҳамкорликни ривожлантириш, қўшма дастурлар ва йирик лойиҳаларни илгари суриш учун кенг иқтисодий имкониятлар эшигини очиб бериш мақсадида Қўшilmаслик ҳаракати саммитлари арафасида Иқтисодий форумларни мунтазам ўтказиб бориш таклиф этилди.

Бундай муҳим тадбирлар инновациялар, замонавий билим ва илғор технологиялар алмашувини жадаллаштиришга, умуман олганда, тўртинчи санаот инқилоби, хусусан, “ақлли” иқтисодиётни ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Президенти пандемиянинг салбий таъсирини, биринчи галда,

ўсиб келаётган ёшлар ҳис қилаётганини кўрсатиб ўтди. Уларнинг сифатли таълим ва профессионал билим олиш, тиббий хизматлардан фойдаланиш ва спорт билан шуғулланиш имкониятлари кескин камаймоқда.

— Энг ёмони, ёш авлоднинг келгусида ҳаётда ўз муносиб ўрнини топишига бўлган ишончи ва қатъияти сусаймоқда. Шунингдек, минглаб ёшларнинг онгу тафаккурига бузғунчи ва радикал мафкуралар таъсири ҳам тобора кучаймоқда, — деди Ўзбекистон раҳбари.

Бу борадаги сиёсат ва режаларни уйғунлаштириш, тўпланган тажриба билан ўртоқлашиш мақсадида Ўзбекистон Қўшilmаслик ҳаракати Ёшлар тармоғининг “Чексиз имкониятлар саммити”ни келгуси йил жаҳон цивилизацияси марказларидан бири бўлган Кўҳна Самарқандда ташкил этиш ниятида эканлиги таъкидланди.

Сўзининг якунида давлатимиз раҳбари Озарбайжон томонини Қўшilmаслик ҳаракатига самарали раислик қилаётгани ва саммит муваффақиятли ўтгани билан яна бир бор самимий табриклиди.

Қўшilmаслик ҳаракати саммитининг ялпи сессияси якунланган, Ўзбекистон Республикаси Президенти делегациялар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари билан қатор учрашувлар ўтказди.

Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов билан суҳбатда савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва энергетика соҳаларида қўшма лойиҳаларни илгари суриш масалалари муҳокама қилинди.

Рас-ал-Ҳайма амирлиги амири, БАА Олий кенгаши аъзоси шайх Сақр Ал-Қосимий билан етакчи компанияларни янги инвестиция лойиҳаларини шакллантириш ва амалга оширишга жалб қилиш масалалари кўриб чиқилди.

БМТ Бош Ассамблеяси 77-сессияси раиси Чаб Кёрёши билан етакчи халқаро ташкилотнинг жорий йил сентябрь ойида ўтадиган ялпи сессиясининг кун тартибидаги масалалар юза-

сидан фикр алмашилди.

Жаҳон туризм ташкилоти бош қотиби Зураб Пололикашвили ЮНВТО Бош ассамблеясининг жорий йил 16-20 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ўтадиган навбатдаги сессиясига тайёрларлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида ахборот берди.

Туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича қўшма дастурни амалга ошириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Боку шаҳридаги Фахр хиёбонига ташриф буюриб, Озарбайжон халқининг умуммиллий етакчиси Ҳайдар Алиев хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Маълумки, Ҳайдар Алиев атоқли сиёсий ва давлат арбоби, мустақил Озарбайжоннинг асосчиси бўлган. Унинг қатъияти, кучли сиёсий иродаси ва бекис ётақчилик қобилияти туғайли қардош давлат мураккаб синовларни муносиб енгиб ўтган.

Ҳайдар Алиев ўзбек халқининг яқин дўсти бўлган. Ўзбекистонга бир неча бор ташриф буюрган. Қардош мамлакатларимиз ўртасидаги тарихий ришталар ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшган.

Бунга ўзига хос эҳтиром сифатида сиёсатчининг хотираси юртимизда ҳам эъзозлаб келинмоқда. Тошкентда Ҳайдар Алиев номидаги Озарбайжон маданият маркази фаолият юритмоқда. Ўтган йили Президент Илҳом Алиевнинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида пойтахтимизда Ҳайдар Алиев номидаги кўча ва хиёбон очилган эди.

Буларнинг барчаси қардош халқларимиз ўртасидаги мустаҳкам дўстликнинг ёрқин ифодасидир.

Давлатимиз раҳбари Ҳайдар Алиев ва унинг рафиқаси Зарифа Алиева қабрларига гул қўйди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Озарбайжон Республикасига амалий ташрифи якунланди.

ЎЗА

● Таҳлил ва таклиф



МедиацИя ИНСТИТУТИ

ортиқча харажат ва оворагарчиликларнинг олдини олади

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Президентимизнинг 2020 йил 17 июнда қабул қилинган “Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада янги босқични бошлаб берди.

Шу асосда Иқтисодий процессуал ва Фуқаролик процессуал кодексларга “медиацИя” атамаси киритилди. Ушбу кодексларга мувофиқ, ишни судда кўришга тайёрлаш пайтида судья тарафлардан келишув битимини тузиш ёки низони ҳал этишнинг муқобил усуллари эҳтимолини аниқлаши ва уларнинг ҳуқуқий оқибатларини тушунириш, шунингдек, ҳуқуқий жамиятда низони ҳал этишнинг муқобил механизмлари яратилиши жиомийи ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга эришишнинг самарали воситаси сифатида баҳоланади.

Айтиш керакки, “медиацИя” — замонавий ҳуқуқий тушунчалардандир. Ушбу институт XX асрнинг иккинчи ярмида АҚШ, Австралия ва Буюк Британия каби давлатлар ҳуқуқ тизимида ривожлана бошлаган.

МедиацИя институти бугунги кунда дунёнинг кўпгина мамлакатларида, жумладан, Германия, Австрия, Япония, Хитой ва Ҳиндистон каби давлатларда ташкил этилган ва муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Ҳўш, аслида медиацИя ўзинима?

МедиацИя — келиб чиққан низони тарафлар ўзаро мақбул қарорга эришиши учун уларнинг ихтиёрий ролиги асосида медиатор кўмагида ҳал қилиш усулидир.

Медиатор эса, медиацИяни амалга ошириш учун тарафлар томонидан жалб этиладиган шахс ҳисобланади.

Мамлакатимизда мақзур соҳадаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида “МедиацИя тўғрисида”ги қонун қабул қилинган.

МедиацИя тарафларнинг хоҳиш-истаги асосида қўлланилади. МедиацИя суддан ташқари тартибда, низони суд тартибида кўриш жараёнида, суд ҳужжатини қабул қилиш учун суд маслаҳатхонага киргунига қадар қўлланиши мумкин.

МедиацИя низони ҳакамлик судида кўриш жараёнида ҳам, ҳакамлик судининг қарори қабул қилинганга қадар ҳам қўлланиши мумкин. МедиацИяда иштирок этганлик факти айбни тан олиш

далили бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас.

МедиацИя институтини қўллашнинг кафолати сифатида қонунда назарда тутилган ҳолларда, ваколатли давлат органи ишнинг муҳокамасини қолдириб, медиацИя тартиб-таомилини амалга ошириш учун муддат тайинлаши мумкин ва медиацИя тартиб-таомилини амалга ошириш чоғида давлат органининг бевосита аралашуви таъқилланади. МедиацИя тартиб-таомили амалга ошириладиганда даъво муддатининг ўтиши тўхтаиб турилади.

МедиацИя тартиб-таомилини амалга ошириш натижалари бўйича тарафлар келиб чиққан низо хусусида ўзаро мақбул қарорга эришган тақдирда, тарафлар ўртасида ёзма шаклда медиацИя келишув тузилади.

МедиацИя келишув уни тузган тарафлар учун мажбурий кучга эга бўлиб, ушбу келишув унда назарда тутилган тартибда ҳамда муддатларда тарафлар томонидан ихтиёрий равишда бажарилади.

МедиацИя келишув бажарилмаган тақдирда, тарафлар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этишга ҳақли.

МедиацИя келишув бажарилмаслигининг оқибатлари тарафлар томонидан ушбу битимнинг ўзида белгилаб қўйилиши мумкин.

Бу институтнинг амалдаги татбиғига мисол келтирамиз. Биргина Зарафшон туманларо иқтисодий судида 2021-2022 йилларда 13 миллиард 353 миллион сўмлик 16 та даъво аризаси бўйича медиацИя келишувга эришилган.

Бунинг натижасида тарафларнинг 267 миллион сўм маблағи тежаб қолинган. Ушбу маблағларни эгалари томонидан тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун сарфлаш имкони юзага келган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, низолашаётган тарафларнинг медиацИя келишув тузишга эришишлари уларнинг келгусидаги манфаатли ҳамкорлигининг давом этишига хизмат қилади. Бу институт, шунингдек, мавжуд низони низосиз ҳал қилиш, турли оворагарчиликларнинг олдини олиш ҳамда ишни судда кўриш билан боғлиқ давлат божидан озод бўлиш борасидаги муҳим ва зарур воситадир.

Шерзод ҒОФУРОВ,
Зарафшон туманларо иқтисодий суди раиси

Жиноятга жазо муқаррар!

СОХТА ДИПЛОМ

юзшувутликка сабаб бўлди

Мамлакатимизда ёшларга таълим-тарбия берадиган устоз-мураббийлар ҳамиша эл ардоғида бўлиб, уларга чексиз ҳурмат кўрсатилади. Бу бежизга эмас, албатта. Чунки улар фидойилик билан келажакимиз эгалари бўлган ўғил-қизларимизни маънан етук, жисмонан соғлом, билимли, меҳр-оқибатли, ҳалол инсонлар этиб тарбиялашга масъулдирлар. Аммо гуруч курмакисиз бўлмаганидек, ана шундай юксак мақомга доғ туширадиган кимсалар ҳам учраб туради. Қуйидаги жиноят иши тафсилоти ана шу ҳақда.

Юнус Қўлдошев (исм-шарифлар ўзгартirilgan) Навоий вилояти спортни ривожлантириш бошқармаси тасарруфидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабидикикбоксинг бўйича мураббий вазифасида фаолият юритган. У тарбияланувчиларга машғулот ўттиш, шунингдек, уларни мусобақаларга тайёрлаш ўрнига нафс йўриғига юриб, фирибгарлик йўли билан мўмай даромад олишни кўзлади. Аникрофи, у давлат бюджети маблағларини ўзлаштириш мақсадида ўзининг фойдаланиши учун муайян ҳуқуқ берадиган расмий ҳужжатни қалбакилаштирди. Энг ёмони, Ю.Қўлдошев ушбу нопок мақсадни амалга оширишда вояга етмаган тарбияланувчилардан фойдаланди.

Гап шундаки, 2021 йилда Навоий вилояти молия бош бошқармаси томонидан олимпиада, халқаро ва мамлакат чемпионатларида иштирок этиб, нуфузли ўринларни эгаллаган спортчиларни тақдирлаш учун давлат бюджетидан 525 миллион сўм миқдоридики маблағ ажратилди.

Буни эшитиб, Ю.Қўлдошевнинг нияти бузилади. У қандай йўл билан бўлса-да, вазиятдан фойдаланиб қолишни кўзлайди. Шунда унинг ёдига қўшни республикада ўтказилган кикбоксинг бўйича Осиё кубоги мусо-

бақалари тушади. 2021 йилнинг 29 июлидан 3 августига қадар ўтказилган ушбу мусобақада голибликни қўлга киритган спортчиларга берилган дипломлардан ташқари яна нечта бўш диплом ташкилот аъзолари томонидан Ю.Қўлдошевга бериб юборилган эди. Дипломлар рангли принтер орқали чиқарилган бўлиб, уларга муҳр босилганди.

Буни қарангки, ўзини уддабурон санаган Ю.Қўлдошев мактаб тарбияланувчилари бўлган Сарвар Каримов, Элдор Искандаров, Иномжон Улуғов ва Сардор Келдиёровни Осиё кубоги мусобақаларида қатнашиб, совринли ўринни эгаллагани тўғрисидаги маълумотларни киритиб, дипломларни қалбакилаштиради. Сўнгра ушбу сохта ҳужжатларни Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби маъмуриятига тақдим этади.

Натижада голиб спортчиларни тақдирлаш учун шакллантирилган рўйхатга тарбияланувчиларнинг исм-шарифи киритилиб, С.Каримовга 10 миллион, Э.Искандаров ва И.Улуғовга 7 миллион, С.Келдиёровга 5 миллион сўм мукофот пули ажратилди.

Бугини сўрасангиз, Навоий шаҳридаги истироҳат боғида ўтказилган тақдирлаш маросимида Сарвар Каримовга қўшни республи-



када ўтказилган Осиё кубоги мусобақаларида биринчи ўринни эгаллагани эълон қилиниб, 10 миллион сўм мукофот пули топширилади. Аслида С.Каримов ушбу мусобақада умуман иштирок этмаганди. Шу боис у ота-онасига хабар беради.

Бу пайтда Ю.Қўлдошев сафарда бўлгани учун Сарварнинг ота-онаси кутиб туришга қарор қилишади. У хориждан қайтиб келгач, уларга мукофот олувчилар рўйхатига Сарварни атай киритгани, бу пулга спорт жиҳозларини сотиб олишини маълум қилади. Унинг гапига ишонган ота-она пулни мураббийга беришади. Ишнинг бу тарзда силлиқ кечганидан руҳланган Ю.Қўлдошев тўлов қайдномасига Э.Искандаров, И.Улуғов ва С.Келдиёровнинг ўрнига ўзи имзо қўйиб, мукофот пулини ўз эҳтиёжи учун ўзлаштиради.

Ю.Қўлдошев шу йўл билан давлат бюджетининг катта миқдордаги маблағини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган. У ёпиқлик қозон ёпиқлиғича қолишига ишониб, адашган эди. Чунки

унинг қилмиши тезда ошқор бўлиб, жиноят иши қўзғатилади. Суриштирув ва тергов чоғида Ю.Қўлдошев етказилган зарарни тўлиқ қоплади.

Яқинда дастлабки тергов органи томонидан Жиноят кодексининг 127-моддаси 3-қисми “б,в” бандлари, 168-моддаси 2-қисми “б” банди, 228-моддаси 2-қисми “б” банди ва 228-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилган Ю.Қўлдошевга оид жиноят иши очиқ суд мажлисида кўриб чиқилди.

Суд судланувчига нисбатан жазо тайинлашда қонунчилик талаблари ҳамда Олий суд Пленуми қарорларининг раҳбарий кўрсатмаларига амал қилди. Хусусан, Жиноят кодексининг 168-моддаси 5-қисмига мувофиқ етказилган моддий зарарнинг ўрни қоплангани учун судланувчига озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони қўлламади.

Суд Ю.Қўлдошевга Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибидики тайинланган жа-

золарни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ойлик иш ҳақининг ўн фоизи миқдоридики давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уч йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлади.

Қонун устуворлиги таъминланган жамиятда содир этилган ҳар қандай жиноят учун жазо муқаррар бўлиб, бундан кўзда тутилган асосий мақсад айбдор шахсни қайта тарбиялашдан иборат. Хусусан, Жиноят кодексининг 42-моддаси талабига кўра, жазо маққумни ахлоқан тузатиш, унинг жинойи фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда маққум, шунингдек, бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Бу Ю.Қўлдошев сингари сохтакорликка қўл уриб, юзшувут бўлган кимсалар учун сабоқ вазифасини ўтаса, ажаб эмас. Зеро, хатолардан тегишли хулоса чиқариш ҳамиша фойда келтиради. Буни ҳеч қачон унутмаслик зарур.

Суннат БОЛТАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар суди судьяси

Қилмиш-қидирмиш

ОМАДСИЗ “КУЁВ”

Ҳаётда оилавий қадрият ва анъаналарга бепи-санд назар билан қараш ҳеч қачон изсиз кетмай-ди. Чунки оилавий қадриятлар, йигит ва қиз ўртасидаги булоқ-сувидек тиниқ ва соф туйғулар ҳамиша юксак масъулият, ўзаро ҳурмат-эътиборни талаб қилади.

(Давоми 4-бетда) ▶



Тарих тилсимлари
ТЕМУРИЙЛАРНИНГ
МАЪНАВИЙ ҚУДРАТИ
 ёхуд кутубхонада сақланган ноёб қўлёзмалар

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Инсониятнинг илк цивилизацияси ҳисобланган давлатларда, жумладан, қадимги Оссурия, Бобилдаги бой кутубхоналар (бизгача Ашшур-банипал саройида сақланган тахтачалардаги қўлёзма битиклар етиб келган) сақланиб қолгани бугунги кунда узоқ Месопотамия тарихи ва маданиятини ўрганиш имконини очиб бермоқда. Шу каби кутубхоналар қадимги Мисрда фиръавнлар саройида, қадимги Хитой, Юнонистон ва Римда ҳукмдорлар саройида қаттиқ муҳофазат қилинган. Ўрта асрларнинг қудратли давлатларидан бири бўлган Византияда ҳам кўплаб кутубхоналар мавжуд бўлган. Улардаги нодир китобларнинг айрим нусхалари Мовароуннахр ва Хуросонга етиб келган. Хусусан, ўрта аср сайёҳлари ўз асарларида Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Урганч

ва Хирот каби шаҳарларда ана шундай нодир китоблар кўпчилиги қайд этишган. Бу эса, ўз навбатида, юртимизда азал-азалдан китоб ва кутубхоначиликка катта эътибор берилганидан далолатдир. Манбаларда қайд этилишича, мўғуллар истилоси арафасида Хуросоннинг Марв шаҳрида ўн та йирик кутубхона фаолият юритган. Биргина Азия мадрасаси кутубхонасида 12 минг жилда яқин китоб сақланган. XI аср бошларида Хуросон ҳукмдори Маҳмуд Ғазнавий қурдирган мадрасанинг барча хоналарида китоб сақлаш учун махсус жойлар ажратилган. Уларга нодир қўлёзмалар ва бошқа китоблар жойлаштирилган. XIII асрда Мовароуннахр мўғуллар томонидан истило этилиши оқибатида фан ва маданият обидалари вайрон қилиниб, кутубхоналар

талон-тарож қилинган. Кейинчалик Мовароуннахр ва Шарқий Туркистонда ташкил толган Чигатоё улусида тикланиш даври вужудга келади. Маҳаллий ҳукмдорлар сулолавий кутубхоналар очиб, китоб хазинасини тўплашга катта эътибор қаратади. Бу жараёнга, айниқса, Амир Темури ва темурийлар даврида алоҳида аҳамият берилган. Буюк саркарда, доно сиёсатчи ва давлат арбоби, илм-маърифат, маданият, адабиёт ва санъат ҳомийси Амир Темури нафақат Марказий Осиё, балки дунё тарихида энг ёрқин тарихий шахсдир. Соҳибқироннинг барпо этган буюк ва қудратли давлати, бошқарув тартиблари, маънавияти, Самарқандга айнан Басрадан қуфий хати билан кўчирилган Қуръони Каримнинг нусхаси келтирилган. Амир Темури кутубхонасида нафақат сарой вақилларига эга, муайян гуруҳдаги китобхоналар ҳам фойдаланган. Китоблар фан соҳала-

ри бўйича рўйхатга олиниб, сандиқларда сақланган. Бу тартиб китобларни ҳисобга олиш учун эмас, фойдаланиш осон бўлиши учун ҳам жорий этилган. Амир Темуридан сўнг кутубхона унинг набираси Улуғбек Мирзога мерос бўлиб қолган. Амир Темури ҳаётининг кўп қисмини ҳарбий юришларда ўтказган ва уларнинг баъзиларида набираси Мирзо Улуғбек ҳам қатнашади. Сафар вақтида ҳар нарсани билиб олишга қизиқувчи ёш Улуғбек бобосининг ўзига хос кўча «кутубхонаси»дан фойдаланган. Бу жонли кутубхонада тарихчилар, шоирлар, олимлар суҳбатлар қуришган. Қуришиб турганидек, темурийлар салтанати нафақат ҳарбий-иқтисодий, балки маънавий жиҳатдан ҳам қудратли бўлган. **Дилбар ТОШТЕМИРОВА, Тошкент Давлат юридик университети қошидаги академик лицей ўқитувчиси**



Қўккан кемадаги
ХАЗИНА

Дунёда сир-синаотли воқеа-ҳодисалар кўп учрайди. Масалан, тўфон таъсирида денгиз тубига гарқ бўлган кемалар тарихини олайлик. Бунга узоқ ўтмишдан қўккан ғаройиб мисолларни келтириш мумкин. Қуйида шулардан бири ҳақда ҳикоя қиламиз.

Англиядаги "Ллойд" сўғурта компанияси биносидаги ёғоч курси суянчига шундай сўзлар ёзилган: **"Ушбу курси 1799 йилда чўкиб кетган, қиролчианинг мулк ҳисобланган, бортидаги бир нафар йўловчидан бошқа барча сувага гарқ бўлган "La Lutine" кемаси чамбаридан ясалган"**. Ҳўш, "La Lutine" кемаси нега денгизда гарқ бўлган? Аслида қандай фожиа рўй берганди? XVIII асрнинг охирида Франция Европа бўйлаб уруш эълон қилган эди. Ушбу шиддатли, талотўп даврда Гамбург Европанинг энг йирик савдо марказларидан бирига айланган. Шу боис гамбурглик савдогарлар савдо-сотик ишларини янада ривожлантириш мақсадида катта миқдордаги қарз олиш йўлини излашади. Уша пайтда урушда ғалаба қозонган Буюк Британия қарз бериш имкониятига эга ягона давлатга айланган. Бунинг устига бойликларини яна кўпайтириш пайида бўлган лондонлик банкирлар гамбурглик савдогарларга вақтни бой бермай қарзга бериш учун бир миллион фунт-стерлинг қийматга тенг олтин-кумуш ёмбларини жамлаб қўйишади. Аниқроғи, улар 1799 йил сентябрь ойида мингта олтин, 500 кумуш ёмбидан иборат юкни савдо кемалари орқали манзилга етказишни кузлашади. Аммо бу ўта хавфли эди. Узоқ давом этган баҳс-мунозаралардан сўнг Англия ҳукумати қарорига биноан ҳазина "La Lutine" кемасига юкланади. Бу уч мачтали, 900 тонна сув сигимига эга бўлиб, ўз даврининг теъзрор, қурол-ярқ билан ҳимояланган кемалардан бири эди. Олтин ва кумуш ёмбидан юкланган кема 9 октябрь кунини ярим тунда Гамбургга йўл олади. Аммо эртаси кун денгизда даҳшатли бўрон қўзғалиб, кема Голландияга қарашли Теркселлинг ороли яқинида сувага гарқ бўлади. Кема аъзоларидан фақат биргина матрос тирик қолади. Қолган одамлар ва бир ярим минг дон олтин ва кумуш ёмбидан кема билан бирга сув тубига чўкиб кетади. Уша пайтда Голландия ҳукумати бу ҳалокатдан хабар топагач, чўккан кемани мусодара қилганини эълон қилади. "La Lutine" кемаси бор-йўғи ўн беш метр чуқурликка чўккан эди. Бу айтишга аризилик чуқурлик эмасди. Шу боис балиқчилар тўрлари ёрдамда олтин ёмбидан жойланган кутубларни сув остида чиқариб олишга уринишади. Аммо улар бор-йўғи бир нечта ёмби ва тангаларни қўлга киритишга муваффақ бўлишади. Аммо вақт ўтган сайн вазият ўзгариб боради. Денгиз оқими қисқа фурсатда чўккан кемани кум билан қўмиб ташлайди. Шу тарихи Голландияда "Имтиёзли кутқарув жамияти" номли компания ташкил этилган қадар ҳеч ким бу бойликка дахл қилмайдди. Албатта, кемани катта бойлик билан Гамбургга йўллаган лондонлик банкирлар сув остида қолган бойликдан ҳали умид узишмаганди. Голландиянинг тутган йўли уларнинг сўнги умидини ҳам пучга чиқаради. Аммо сув остидаги хазинани излашга ушбу кўнғирқоқ жаранг осон иш эмасди. Буни "Имтиёзли кутқарув жамияти" қарийб йигирма беш йил ҳалокат рўй берган ҳудудда бесамар ҳа-

◀ (Бошланиши 3-бетда)

...Янгибозор туманининг "Оча қалъа" маҳалласида яшайдиган Собир Холматов ҳам оилавий қадриятларга беписанд муносабатда бўлди, аниқроғи, у муҳаббат сингари бебаҳо туйғуни пул билан ўлчади. Бу жараёнда у нафақат ахлоқ-одоб меъёрларини, балки қонун талабини ҳам кўпол тарзда бузди. Таъниши бўлган қизнинг сирларини ошкор этмаслик учун нақд 2 минг доллар миқдоридан пул талаб қилди. Акс ҳолда ...

Ушанда С.Холматов гурланлик Нилуфар Шарипова (исм-шарифлар ўзгартирилган)нинг қариндошлари хонадонидан ишлар, яқин орада оила қуриш ниятини эса, яширмасди. Унинг бу ниятидан Нилуфарнинг хосаси Зевар опа ҳам хабар топади. Зевар опа ҳаялламай С.Холматовнинг қўйнига қўл солади. Нияти қатъий эканини билгач, жиани Нилуфар билан учраштиради. Орадан кўп ўтмай икки ёшнинг кўнглида илқ муносабат пайдо бўлади.

Шундан сўнг С.Холматов ишлаб, рўзгор юкни енгиллатиш ва бўлғуси тўй учун маблағ жамғариш мақсадида 2020 йилнинг ноябрь ойида хорижга жўнаб кетади. Орадан ярим йилдан кўпроқ вақт ўтгач, у қайтиб келади ва яна Нилуфар томон ошиқади. Аммо Нилуфар унга опаси билан гаплашиб олиши зарурлигини айтади. С.Холматов Нилуфарнинг опаси билан учрашади. Ўз навбатида, опа гапнинг дангалани айтади, тўғрироғи, оғир шарт қўяди: синглимини кўп қаватли уйда яшайдиган, ўқимаган одамга ҳеч қачон турмушга бермайми!

Буни эшитиб, С.Холматовнинг орзуи саробга айланади. Аммо у барибир бўш келмайди. Дардини Нилуфарга тўкиб солади. Аммо С.Холматовнинг айтишига қараганда, кейинчалик воқеалар оқими ўзгача ўзганга кўчган. Нилуфарнинг ўзи ҳам оғир шартларни ўртага қўйган. У С.Холматовдан пул ва тилла тақинчоқлар олиб беришни талаб қилган. С.Холматовнинг талабини тўлиқ адо этгани, сарф-харажатларнинг умумий миқдори 2 минг АҚШ долларига етганини алоҳида таъкидлайди. Маълум бўлишича, Нилуфар ҳам С.Холматовнинг сўзини ерда қолдирмаган, улар Урганч шаҳридаги яқин танишлари хонадонидан пинхона учрашиб туришган. Шундай учрашувларнинг бирида С.Холматов Нилуфар аллақачон ўз ифқатини йўқотганини билиб қолади. У бунга изоҳ сўраганда, Нилуфар турли хил баҳоналарни қалаштириб ташлайди. Бироқ бунга қарамай С.Холматов барибир ниятидан қайтмайди, унга уйланишга сўз беради.

Шундан сўнг Нилуфар С.Холматовдан уйига совчилар юборишни талаб қилади. Аммо ҳадеганда совчилардан

дарак бўлмайди. Шу орада томонларни яна низога еталаган бошқа бир жиддий воқеа ҳам рўй беради. Нилуфар С.Холматовга кўнғироқ қилиб, уйига Сардор Маткаримов деган йигитдан совчилар келиб-кетгани, унга турмушга чиққишига ота-онаси ҳам, ўзи ҳам рози эканини маълум қилади.

С.Холматов буни эшитиб, ҳуши бошидан учади. У ўзини алдангандек ҳис этади ва Нилуфарни жиддий оғохлантиради: Сардордан воз кечмаса, бир неча ҳафта муқаддам пинхона учрашувда маълум бўлган ҳолат ва бошқа далилларни ошкор қиламан, дейди.

Буни эшитиб, табиийки, Нилуфар ҳам ночор аҳволга тушиб қолади. Шу боис у С.Холматовга инон-ихтиёри ўзида эмас, балки ота-онаси ва бошқа яқинларининг қистови билан турмушга чиққетганини тушунтиради.

Лекин орадан кўп ўтмай Янгибозор туманининг Оёқдўрмон қишлоғида катта тўй бўлади. Буни қўриб, С.Холматов аламдан ўзини қўзғаб жой тополмай қолади, қаҳр билан Нилуфарга ўзининг гараз ниятини айтади. Нилуфар эса, унга ўртадаги ришта узилгани, бугёнга ўзининг шахсий турмушига аралашмаслиқни талаб қилади. Аммо С.Холматов бунга унамайди — шум ниятини амалга оширишга киришади. У қувё бўлмиш Сардорга кўнғироқ қилиб, Нилуфар билан ўрталарида кечган воқеани айтиб беради. Сардор бунга ишонмайди. Шундан сўнг С.Холматов унинг қўл телефонига Нилуфарнинг беҳаё суратларини юборади. 17 та суратни қўриб, Сардор қизгаб ва қаҳр билан Нилуфардан изоҳ талаб қилади. Нилуфар эса, бу суратларнинг бари сохта ва ясама эканини таъкидлашдан чарчамайди. Йўқ, суратлар қалбаки эмасди. Буни пировардида суд ва тергов жараёнида Нилуфарнинг ўзи ҳам тан

олди. Унинг айтишича, С.Холматов бу суратларни ошкор қилмаслик эвазига 20 миллион сўм талаб қилган. Қисқаси, Нилуфарнинг оиласи бузилади, у ота уйига қайтиб келади. Шундан сўнг ҳам С.Холматов гараз ниятидан қайтмаган, Нилуфарни ҳол-жонига қўймай ундан 20 миллион сўм беришни талаб қилади. Ҳаёти пароканда бўлган Нилуфарнинг ҳам сабр қосаси тўлиб, ҳуқуқни муҳофазат қилувчи идорага мурожаат қилади.

Қисқаси, Нилуфар С.Холматовга 20 миллион сўм беришга рози эканини айтади. Бундан С.Холматов хурсанд бўлади. Улар ўша куннинг ўзидаёқ Янгибозор тумани марказидаги истироҳат боғи яқинида учрашадилар. Нилуфар ваъда қилинган 20 миллион сўмнинг 18 миллионини унинг қўлига беради. С.Холматов пулни қолган қисминини ҳам тезроқ беришни талаб қилади.

Бироқ С.Холматов пулни олиб, узоққа кетишга улгурмайди, у жинорий қилмиш устида қўлга тушади. Аммо у қилмиши фош этилса-да, айбини тўлиқ тан олмайди. Нилуфар қарзининг 18 миллионини қайтарганини, яна икки миллион сўм бериши лозимлигини таъкидлайди. Унинг бу важлари суд ва тергов жараёнида синчиклаб текшириб чиқилди. Йўқ, факт ва далиллар унинг бу важини тасдиқламади, аксинча, рад этди. Шу боис суд унга нисбатан Жиноят кодексининг шахсий ҳаёт дахл-сиэлигини бузишга оид 141-моддаси 2-қисмининг оғир оқибатли қилмишини ифодаловчи "а" банди ва товламачиликка тааллуқли 165-моддасининг 1-қисми бўйича қўйилган айбни эътироф этди.

Ўрни келганда шуни қайд этиш жоизки, инсоннинг шахсий ҳаётига дахлдор сирни ошкор этишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Қонун талабига қўра, бундай қилмиш тегишли жазага сабаб бўлади. Суд С.Холматовнинг қилмишини атрафлича муҳожама қилди. Жабрланувчи ва гувоҳларнинг ҳолисона кўрсатмаларига суянди. Бу жараёнда ҳам

Қилмиш-қидирмиш
ОМАДСИЗ
“КУЁВ”

кўпгина ҳолатларга оидинлик киритилди. Хусусан, ушбу қилмиш унинг олдини олиш имконияти мавжуд бўлган бир вазиятда рўй бергани аён бўлди. Судда жаҳрланувчи сифатида кўрсатма берган С.Маткаримовнинг таъкидлашича, хонадонига келин бўлиб тушган Н.Шарипова ундан ҳақиқатни атай яширган. Агар Н.Шарипова бошидан кечирган воқеаларни ўз вақтида айтганида, тўй бўлмас, пировардида ҳеч кимнинг боши ғалвага қолмас, иш эса, суд ва терговга етиб келмасди. Судда Янгибозор тумани "Оча-қалъа" маҳалла фуқаролар йиғини раиси З.Қўшоқова судланувчи ва унинг оиласи аъзоларини ижобий тарафдан таърифлади.

Суд ушбу ҳолатларнинг барини қонун тарозусига қўйди. Айбни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи жиҳатларга аниқлик киритди ва судланувчига Жиноят кодексининг юқорида қайд этилган моддалари асосида жазо тайинлашни лозим топди. Айбланувчи Жиноят кодексининг ҳар иккала моддаси бўйича 3 йил-у 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Жиноят ишлари бўйича вилоят судининг апелляция ҳайъати дастлабки босқич судининг шу юзадан чиқарган ҳукмини ўзгартириш, маҳкумнинг шикоятини эса қаноатлантирмаддан қолдирди.

Томонларга ушбу жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарларни фуқаролик суди орқали ундирдиш ҳуқуқи тушунтирилди. Муқаддас ва мўътабар оила кўрғонига беписанд муносабатда бўлиш оқибати шундай яқун топди.

Бу ўз навбатида, катта ҳаётга қадам қўяётган ёшлар дунёқаршида оилавий қадрият ва аънавларни янада чуқурроқ синдириш лозимлигини кўрсатади. Ҳолбуки, оила тинч ва мустаҳкам бўлса, жамиятимиз ҳам ривож топади, фазанлар баркамол инсон бўлиб воёга етади.

Музаффар САМАНДАРОВ,
 Хоразм вилояти суди судьяси